Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 20 (1031) ● 2015-yil, 8-may, juma

## Ўзбекистон Президентининг Россияга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2015 йил 8 май куни Москва шаҳрига ташриф буюради ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этади.

## Тарихдан зарур сабоқлар чиқариш

### бугунимиз ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни мустаҳкамлайди

Муҳаррир минбари

Катта авлод вакилларининг ёдида бордир, собиқ шўро даврида 9 май ҳар йили Ғалаба куни сифатида байрам қилинар, Марказда ва барча республикаларда дабдабали ҳарбий парадлар ўтказиларди. Бу парадлар асосан ҳарбий техникаларнинг намойишига, мамлакатнинг ҳарбий қудратини жаҳонга яна бир бор кўз-кўз қилишга, лозим бўлса, айрим давлатларда ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган бўларди.



Ваҳоланки, жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган Иккинчи жаҳон урушининг ҳаётимизда қолдирган изи, оғир асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди. Бу қирғинда қатнашган 1,5 миллион юртдошимиздан тахминан 500 минг нафари ҳалок бўлган. Бу мудҳиш уруш фожиаси мамлакатимизда биронта хонадонни четлаб ўтмаган.

Ниҳоят, истиқлол йилларига келибгина Юртбошимизнинг таклифи билан мазкур сананинг асл инсоний маъно-моҳиятига мос равишда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлана бошланди. Пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафкурасини ўзида ифода этган эски ёдгорликлар ўрнига халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.

Пойтахтимиздаги Хотира майдонида барпо этилган ёдгорлик мажмуасида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат «Хотира» китоби чоп этилди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда тарихий хотирани тўлақонли тиклаш йўлида ҳаётнинг ўзи тақозо этган яна бир муҳим жиддий қадам бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тинч ва осуда кунларимиз учун азиз жонини фидо қилган юртдошларимизнинг мангу хотираси шундай юксак эъзозланишини халқимиз неча йиллар интиқ бўлиб кутганлиги бугун кундай равшан — юртимизнинг турли гўшаларидан келган кишилар йилнинг ҳар қандай фаслида Хотира майдонини зиёрат қилиб, Хотира китобига битилган зарҳал ҳарфлардаги лавҳаларни ўқиб, улардан юрагига яқин исмларни топадилар.

3➢

Фракция йиғилиши

## Янги қонун лойиҳаси

### фуқароларнинг суддан фойдаланишини осонлаштиришга йўналтирилган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Иккинчи ўқишда ҳавола этилаётган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасининг мақсади фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, фуқаролик судларида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, судга аризалар ва бошқа ҳужжатларни интернет орқали юбориш, пировардида судларда иш юритишни такомиллаштиришга қаратилгандир.

суд чақирув қоғози ҳамда бошқа ҳужжатларни суд жараёни иштирокчиларига шу тарзда юбориш имконияти яратилди.

Қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексининг бир қатор моддаларига фуқаролик ишлари бўйича судга электрон кўринишда мурожаат этиш, суд чақирув қоғози, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни шу йўсинда юбориш билан боғлиқ ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик суд иш юритувининг янада тезкорлиги ва қулайлигини ошириш, процесс иштирокчилари харажатлари ҳамда суд чиқимларини камайтиришга хизмат қилади.



Йиғилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятига кенг жорий этиш, айниқса, компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш унумдорлигини ошириш ҳамда ахборот тизими ва ресурсларини яратиш бўйича муайян ишлар қилинаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, судлар фаолиятига замонавий АКТни жорий этиш бўйича махсус дастур тасдиқланиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судида "E-sud" лойиҳаси йўлга қўйилиб, электрон шаклда судга мурожаат этиш, қарор нусхалари,

Муҳокамаларда фракция аъзолари асосий эътиборни қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида киритилган ўзгаришларга қаратишди. Масъул қўмита вакилининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг 15 та моддаси юридик-техник ва таҳририй жиҳатдан қайта ишлаб чиқилди. Ушбу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан берилган таклифларнинг аксарияти лойиҳанинг у ёки бу моддаларида ўз ифодасини топди.

2➢

## Соғлом турмуш тарзи

### тарғиботчилари

Саломатлик марафони

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят, туман кенгашлари ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Олмалиқ шаҳридаги «Олтин олма» хиёбонида "Жисмоний тарбия барча ёшдагилар учун мустаҳкам соғлиқ гаровидир" шиори остида "Саломатлик" марафони ўтказилди.



5➢

## Кексалари қадр топган юрт



9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан пойтахтимиздаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида "Ўзбекистон — кексалар қадр топган юрт" мавзусида маданий-маърифий хайрия тадбири ўтказилди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари, Марказий аппарати масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

2➢

### ИЛМДАН ИЗЗАТ ТОПГАН ИНСОН

Тарихга теран назар солган инсон ўзи ва ўзгалар учун кўпинча зарур ҳикматларни уқиб олади...

Профессор Мавлон Жўрақулов илм ила ҳаёт йўлини зийнатга тўлдирган инсонлардан. Саксон уч баҳорни қарши олаётган бу табаррук отахонга илму фан, ёшлар тарбияси йўлида асло ҳориманг, ниятларингиз умрингизга файз-мазмун қўшаверсин, деймиз.

3

### НУРОНИЙЛАР ҚАЛБИ қувончда

— Бизнинг юртда одамларимиз тинчликнинг бор маъносини юрак-юракдан тушунадилар, осойишталикни севган элмиз, — дейди Жубатхон ота. — Қўшнисининг соғлиғидан ҳам хабардор бўлиш, ёрдамини аямаслик, бир-бирига доим тинчлик-хотиржамлик тилаш, аҳиллик билан меҳнат қилиш азалий одатимиздир. Бундай халқнинг авлодлари ҳам ана шундай юксак фазилатлар эгасидир.

4

### ИНТЕРНЕТ-МАДАНИЯТ

#### ёшларни глобал таҳдидлардан асрайди

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Экосан" халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида "Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий жараёнлар" мавзусида Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида давра суҳбати бўлиб ўтди.

5

№ 20
2015-yil
8-may

# Кексалари қадр топган юрт

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирда таъкидланганидек, аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Халқимиз онгига тобора чуқурроқ сингиб бораётган бу боқий қадрият қалбларга ёруғлик олиб кириши билан бир қаторда ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда, маънавиятимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фашизмга қарши урушда мардона жанг қилган, оғир машаққат ва мусибатларни бошдан кечирган қаҳрамонлар ва халқимиз асрлар давомида орзу қилган эркинлик учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша ёдимизда. Мамлакатимизда фахрийларга доимий ғамхўрлик кўрсатилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартдаги "Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ҳам урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини нишонлаш, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уруш йилларида улар кўрсатган матонат ва жасоратни кенг тарғиб қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур ҳужжат ижроси доирасида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ҳар йили юртимизда 9 май санаси Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланишининг туб моҳиятида жуда чуқур мазмун мужассам.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши арафасида мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда бевосита иштирок этган. Ва бу даҳшатли урушда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлган. Шунча қурбон ва йўқотишларни халқимиз Ватани фашизм балосидан сақлаб қолиш учун берган.

Бугун давлатимиз томонидан фахрийларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикда, ҳаётимиз фаровонлигида уларнинг ҳиссаси беқиёс. Жанг майдонларида жон берган, урушдан қайтмаганларни эслаш, бугун орамизда соғ-саломат умргузаронлик қилаётган нуроний отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Дарҳақиқат, шундай кунларда тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани унут бўлмайди.

Йиллар ўтгани сайин Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларининг гувоҳи бўлганлар сафи тобора камайиб бормоқда. Ёшликнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жанггоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати беқиёс, албатта. Ана шу воқеалар, кечган оғир кунлар ёди бугун нафақат уруш қатнашчилари, балки бутун авлодлар хотирасидан ҳали ҳамон ўчгани йўқ.

**Муҳаммад ҲУСАЙИНОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 90 ёш:**

— Иккинчи жаҳон уруши кўплаб халқлар бошига оғир мусибатлар келтирди. Мен ҳам мактабнинг 9-синфини битирибоқ уруш майдонига отландим. 1945 йилнинг апрелида Австриядаги жангларнинг бирида оғир ярадор бўлдим. Умуман, урушдан кейинги давр ҳам халқимиз учун осон бўлгани йўқ. Очарчилик, барбод бўлган халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларини изга солиш йилларидаги машаққатли қийинчиликларни ҳам мардонавор енгиб ўтди.

Яратганга шукри, мустақиллик туфайли халқимиз ўз эркига эга бўлди, энг муҳими, бугун юртимиз тинч, ёшларимиз ҳавас қилгудек шароитларда таълим-тарбия олишяпти.

Биз кексаларга ҳам Президентимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Жумладан, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида қарияларга барча шароитлар яратилган. Бугун "Адолат" партияси томонидан ташкил этилган тадбир ҳам бизни жуда хурсанд қилди.

**Валентина ЧИКОВА,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 95 ёш:**

— Уруш бошланганда қўлимда уч ойлик болам бор эди. Ҳамшира бўлганлигим учун мени фронт ортига жўнатишди. Урушнинг сўнгги бир ярим йилини эса айнан жанг майдонларида ўтказдим. Ўша даврларда кўрган-кечирганларимни хотирласам, бугунги тинч-осуда ҳаётимизнинг қадр-қиммати қанчалик юксак эканлигини янада чуқур англайман, шукрона келтираман.

Юртимизда қарор топган инсонпарварлик, эзгулик ва бағрикенглик муҳити, ёши улуғ инсонлар ва фахрийларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик бизнинг ҳаётга бўлган қизиқишимизни янада оширмоқда. Бундай ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, қалбимизда ғурур-ифтихор ҳиссини туймоқдамиз.

**Феруза ИНОҒОМОВА,**
**пансионат шифокори:**

— Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, кексаларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани қувонарлидир. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида турли ташкилотлар ҳамкорлигида хайрия тадбирлари ўтказиб турилади. Бугун Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан ўтказилган тадбир ҳам кексаларимизга байрамона кайфият улашгани билан аҳамиятли бўлди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт дастурида қарияларимиз яйраб рақсга тушдилар, мароқли ҳордиқ чиқардилар. Шу билан бирга, партия фаоллари пансионатимиздаги касал ва ногирон қарияларимизни ҳам хонама-хона юриб ҳолидан хабар олдилар, уларга совғалар улашиб ҳамсуҳбат бўлдилар, кўнгилларини кўтардилар.

Бу каби тадбирлар албатта, кексаларимизнинг мана шундай дориломон замонда, одамлари меҳр-оқибатли, саховатли юртда яшашга бўлган ҳиссини янада ошириб, уларнинг ёшига ёш қўшади.

Хайрия тадбири давомида сўз олганлар мард ватандошларимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси, фронтга жўнаб кетган ўғлонларнинг жасорати, матонати, Ўзбекистонга эвакуация қилинган гўдаклар, оналар, қариялар, беморларга кўрсатилган меҳр-мурувват, саховат, бағрикенглик ҳақида сўз юритишди.

**Моҳира ХОЛИҚОВА,**
**партия Марказий аппарати бўлим мудири:**

— Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, урушдан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятимизга айланди. Буларнинг барчаси ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларининг энг яхши анъаналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Бизнинг партия мамлакатимиз келажагини ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, партиямизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят ташкилотлари томонидан жойларда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида белгиланган режаларимизга ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Ёш "адолатчи"лар бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отахон ва онахонларимизнинг хонадонларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олишмоқда. "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшаётган нуронийлар учун байрам дастурлари уюштирилмоқда. Зеро, бугунгидек фаровон ҳаётимиз йўлида машаққат чеккан кексаларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Тадбир доирасида кексалар ва фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга совғалар топширилди. Партия фаоли бўлган шифокорлар томонидан пансионатда яшовчи қариялар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга саломатликларини мустаҳкамлаш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилди. Байрам муносабати билан ташкил этилган концерт дастури ҳам тадбир иштирокчиларини хушнуд этди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

> **Депутат минбари**
>
> Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар аввало инсон учун, унинг фаровон турмуш кечириши учун йўналтирилган. Аҳолининг соғлиғи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида — замонавий тиббиёт муассасаларида самарали хизмат йўлга қўйилган. Одамларнинг соғлом ҳаёт кечиришида асосий шартлардан яна бири бу уларни сифатли озиқ-овқатлар билан таъминлашдир.

# Озиқ-овқат хавфсизлигига доир талаблар кучайтирилади

Шу боисдан ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалар сирасига киритилди. Хусусан, ун маҳсулотларини керакли фойдали микроэлементлар ва йод билан бойитиш, йодланган ош тузи ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, хориждан келаётган турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар сифатини мунтазам назоратдан ўтказиб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми саналади. Айни шу жиҳатдан аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятли ижтимоий-иқтисодий вазифалардан бири бўлиб, бугунги кунда ушбу масала барча мамлакатлар учун бирдек долзарб мавзуга айланган.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллион нафардан зиёд киши, яъни ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқат емайди. Сайёрамиз аҳолисининг 30 фоиздан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Шу сабабли 160 миллион нафардан зиёд бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда ер юзида аҳоли сони ошгани, сайин озиқ-овқатга бўлган талаб ҳам кучаймоқда. Бу эса ўз-ўзидан озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўпайишига сабаб бўлаётир. Ана шундай вазиятда сифатсиз ҳамда инсон соғлиғига хавф солувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки етиштириш авж олиши эҳтимолдан холи эмас. Айтиш жоизки, бизнинг юртимизда асосий эътибор маҳсулотнинг сифатига қаратиляпти. Чунки серқуёш Ўзбекистонимизда табиий иқлим ва унумдор тупроғимиз туфайли дунёдаги энг мазали ҳамда фойдали мева-сабзавотлар етиштирилади. Буни бугун хорижлик олимлар ва мутахассислар ҳам тан олишмоқда. Шу боис мамлакатимиздан жаҳондаги 80 та давлатга турли сархил мева ва сабзавотлар, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда дунё миқёсида биотехнологияларнинг жадал ривожланиши озиқ-овқат саноатида генлари модификацияланган организмлар (ГМО) ёхуд генетик ўзгартирилган организмларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлаётир.

Табиийки, бундай маҳсулотлар бизнинг юртимизга ҳам кириб келаяпти. Шундай экан, хориждан келтирилган ва ўзимизда ишлаб чиқарилиб, ички бозорларимизда сотилаётган маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш катта аҳамият касб этади.

2014 йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида Президентимиз айнан ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, озиқ-овқат хавфсизлиги борасида бугунги куннинг долзарб муаммоларини таъкидлаб ўтган эди. Жумладан, генларни модификация қилиш технологиялари ҳосилдорликни оширишга хизмат қилса-да, лекин бундай технологиялар асосида яратилган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигига салбий таъсир этиши мумкинлиги хусусидаги фикрлар бугун олимларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Албатта, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилган. "Давлат санитария назорати тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида", "Ветеринария тўғрисида", "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунида маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги — маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмаслиги алоҳида қайд этилган.

Шунга қарамай, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича юзага келаётган ўзгаришлар соҳага доир миллий қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Ана шуларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари билан биргаликда "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида тузилган ишчи гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишга тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги қонуннинг Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат иқтисодий сиёсати, аграр тизимни мунтазам ривожлантириш орқали мамлакат аҳолисини ишончли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат бозорининг ички ва ташқи хатарларга нисбатан барқарорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликда самарали иштирок этишга доир нормалари такомиллаштирилмоқда.

Генлари модификацияланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш соҳасини тартибга солиш ҳамда ГМОдан фойдаланилган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш борасидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилаётганлиги қонун лойиҳасининг энг муҳим янгиликларидан биридир.

Шунингдек, қонун лойиҳасида хорижий давлатлардан республика ҳудудига келтирилаётган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёларнинг сифати ва инсон саломатлигига бехатарлигини назорат қилиш республикамиздаги мавжуд меъёрий ҳужжатлар ёки халқаро меъёр талаблари даражаларига жавоб бериши шартлиги белгиланаётгани ҳам унинг афзаллик жиҳатларидандир.

Шу билан бирга, қонунда озиқ-овқат маҳсулотларини республика ҳудудига олиб киришга дахлдор юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулиятлари ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ баён этилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойилни фаол қўллаб-қувватлаган ҳолда инсон манфаатлари, қадр-қиммати, саломатлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини олий қадрият сифатида баҳолайди. Айни шу жиҳатдан ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳаси ўзининг мазмун-моҳияти ва мақсадига кўра партиямиз дастурий ғояларига тўла мос келади.

Умуман, ишлаб чиқилаётган мазкур қонун лойиҳаси аҳолини сифатли ва соғлиқ учун бехатар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, фуқароларимизнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоялашга хизмат қилади.

**Алишер МАХМАТМУРОДОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Янги қонун лойиҳаси

## фуқароларнинг суддан фойдаланишини осонлаштиришга йўналтирилган

Давоми. Боши 1-бетда

**Шуҳрат ПОЛВОНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Эндиликда кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан кириб келмоқда. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан судлар фаолиятига ҳам инновацияларнинг жорий этилиши белгиланган. Бу партиямизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, суд тизимини комплекс ривожлантириш, судлар фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш каби дастурий мақсадларига тўла мос келади.

Мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида партиямизнинг дастурий ғояларига мос яна бир янгилик киритилгани айни муддао бўлди. Қонун ташаббускори томонидан қонун лойиҳасининг дастлабки вариантида ҳозирда амалиётда мавжуд бўлган механизм — чақирув қоғози билан бир вақтда даъво аризаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини жавобгарга юбориш билан боғлиқ суднинг мажбурияти белгиланган нормани чиқариб ташлаш ҳамда ушбу мажбуриятни суддан даъвогар зиммасига юклаш таклиф этилаётган эди. Ишчи гуруҳи томонидан суд процессида фуқароларга ортиқча қийинчиликлар туғилишининг олдини олиш ва ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида амалдаги механизм сақлаб қолиниб, қонун ташаббускори томонидан киритилган таклиф чиқариб ташланди.

Умуман, қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар суднинг холислиги, адолатлилиги, ҳар бир фуқаронинг ундан фойдаланишини таъминлаш ҳамда суд ҳимояси соҳасини кенгайтириш каби дастурий вазифаларимизни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Шунингдек, фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.



Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси амалиётида фракциялар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилган амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бир нечта қонун лойиҳаларини битта яхлит қонунга бирлаштириб қабул қилиш кейинчалик ушбу қонунни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқуллаш ҳамда Президент томонидан имзоланиб, ижрога йўналтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Фракция аъзолари муҳокамасига тақдим этилган мазкур мажмуавий қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 14 та қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

# Тарихдан зарур сабоқлар чиқариш

## бугунимиз ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни мустаҳкамлайди

Давоми. Боши 1-бетда



Зеро, миллатнинг келажаги ва бахту иқболи тарихий хотира билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Хотиранинг уйғоқлиги, ўтмиш аждодларга ҳурмат-эҳтиром, миллий анъаналарни унутмаслик жамиятнинг маънавий-ахлоқий мавқеини белгилайди. Бу мавқе қанча баланд бўлса, миллий тараққиёт ва ривожланиш суръатлари асло сусаймайди. Тарихий хотирасидан, миллий қадриятларидан жудо қилинган ёки ўзи узоқлашган халқ, шубҳасиз, таназзулга юз тутади. Тарих саҳифаларида бунга мисоллар кўп.

Инсон хотираси жамиятнинг, ҳар бир кишининг, турли авлод вакилларининг узоқ-яқин ўтмиш тарихдан, воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, ўз аждодларининг эзгу амаллари, келажак авлодларга қолдирган маънавий-маърифий меросидан баҳрамандлиги ва уларга қатъий амал қилиши демакдир. Бу хабардорликдан умуммиллий хотира келиб чиқади. Тарихнинг бугунги кун ва келажакка бевосита боғлиқлиги ҳақида фикр юритилганда, айни шу ҳолат кўзда тутилади. Яъни, хотира йиллар, асрлар, даврлар давомида шаклланиб боради. Ҳар бир янги авлод уни тўлдиради, мазмун-моҳиятини бойитади. Хотира ойнасида миллатнинг узоқ йиллик тарихи, босиб ўтган йўли, курашлари, орзу-интилишлари, келгуси авлодлар учун ғоят муҳим бўлган маънавий мероси ўз аксини топади.

Инсоният тарихи одам зотининг неча минг йиллик умри давомидаги ҳаёти, интилишлари, жангу жадаллар, қирғинбарот урушлар, табиий офатлар, ҳужум ва босқинлар ва яна кўп сир-синоатлардан иборат. Тарих саҳифаларига муҳрланган бу солномадан англашиладиган энг муҳим фикр шуки, ҳар бир авлод ўтмиш аждодлар ҳаётидан, улар эришган ютуқлардан, йўл қўйган хатоларидан ўзи учун тегишли хулоса чиқариши керак. Фақат шу йўл билангина миллат ўзини асраб қолади.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.

Истиқлол бизга инъом этган буюк имкониятлардан бири тарихий хотирани тиклаш бўлди десак, муболаға бўлмайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ халқимизнинг асрлар давомида босиб ўтган ўтмиш тарихини, озодлик учун курашлари саҳифаларини чуқур ўрганиш, улуғ бобокалонларимиз ҳурматини жойига қўйиш, ёш авлодни улар билан ҳақли равишда фахрланиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Бу эътибор миллий истиқлол ғоясининг, маънавий тарбия ишининг, ёш авлод қалбида ватанпарварлик, истиқлолимизга садоқат руҳини шакллантиришнинг ўзак мақсадини ташкил этди. Хотира ва қадр туйғуси ёш авлод онгига чуқур сингдирилса, бу туйғу таълим ва тарбия иши билан уйғунлашса, улар қалбида буюк аждодларимизга, биз билан бугун ёнма-ён яшаётган, бой ҳаётий тажрибага эга замондошларимизга муносиб ворислар бўлиб етишиш орзуси уйғонади. Яъни, ўтмиш аждодлар хотираси улуғланса, Ватан озодлиги, миллат равнақи йўлида жон фидо қилган ватандошларимизни унутмасак, уларнинг жасорати ва фидойилигини ўзимиз, фарзандларимиз учун ўрнак деб билсак, биздан кейинги авлодлар ҳам айни шундай йўл тутади.

Шу боис, ёш авлодни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялашда, уларнинг дунёқарашини, онг-шуурини тўғри шакллантиришда, партиямиз фаоллари электорат ва аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот, маънавий-маърифий тадбирларимиз ва, айниқса, сафимизга қўшилаётган ёшлар билан ишлашда ўтмиш аждодларнинг мерос ва ўгитларидан, замонамиз қаҳрамонлари амалга ошираётган ибратли, намунали ишлардан самарали фойдаланишимиз, Президентимизнинг нутқ ва асарларида баён қилинган кўрсатмаларни дастуриламал қилган ҳолда иш олиб боришимиз зарур.

Бу йилги Хотира ва қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига тўғри келди. Йиллар уруш асоратларини, беадоқ ғам-андуҳларни биздан тобора узоқлаштирмоқда. Жанггоҳларда қон кечиб, азоб-уқубатларга дучор бўлган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ватандошларимиз сафи тобора сийраклашиб бораётир. Шу боисдан уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш, хотираларини ёзиб олиш ниҳоятда муҳим. Президентимиз таъкидлаганидек, байрам кунида халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жангу жадалларда жон олиб, жон берган аждодларимиз хотираси олдида бош эгади. Айни чоғда, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган, ҳаёти ва бой тажрибаси билан ёш авлодга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган уруш қатнашчиларининг ҳурматини ҳар қанча ўрнига қўйсак арзийди. Уларнинг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи даркор.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, кўпни кўрган нуроний отахон-онахонлар, устоз ва мураббийлар, ўз касбининг усталари тўғрисида ғамхўрлик қилиш юрак-юрагимизга сингиб кетган юксак инсоний фазилат саналади. Бундай инсонлар — ҳаётимизнинг кўрки, меҳр-мурувват, сабр-тоқат рамзи. Уларнинг дуосини олиш, оғирини енгил қилиш халқимизнинг эзгу ва боқий қадриятларидан бирига айланган. Олдимизда турган асосий вазифа — ўсиб келаётган ёш авлодга тинчлик, тотувлик, аҳил-иноқлик ҳаётдаги энг улуғ неъмат эканлигини тушунтириш, бу буюк ҳақиқатни онг-шуурларига сингдиришдан иборат. Негаки, дунё минтақаларида уруш оловини қайта ёқиш, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш, миллий можаролар чиқариш, халқларнинг осуда ҳаётига рахна солиш ҳаракатлари ҳамон тинганича йўқ. Тинчлик бузилган, ҳаловат йўқолган, тотувлик қўлдан кетган жойдан барака қочади, бунёдкорлик ишлари тўхтайди. Шу боисдан ҳам Юртбошимизнинг ҳамиша огоҳ бўлиш, аҳил-иноқликни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик тўғрисидаги даъватларини доимо ёдимизда тутмоғимиз зарур.

> Хотира ва қадрлаш миллат равнақи, ҳаётимизнинг янада фаровонлиги билан бевосита боғлиқ эзгу ниятларимиз ва амалий ишларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Маънавияти юксак халқимизнинг бебаҳо фазилатларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, инсон қадри улуғ, хотираси эса муқаддасдир.

**Ислом ҲАМРОЕВ**

## Шукрона

Ота-онам дуога қўл очишса, "Илоҳим, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, болаларингнинг роҳатини кўр, кам бўлма, ризқинг бутун, мартабанг улуғ, умринг зиёда бўлсин", дея ният қилишарди. Бугун мен ҳам фарзандларимни, невара-эвараларимни, улар қаторида эл-юртни, ёшларни шундай дуо қиламан. Ният улуғ нарса. Ҳар ким дили пок бўлса, ҳалол яшашга ҳаракат қилса, Яратган ҳам тилакларини беради.

# "Бундай замоннинг қадрига етинглар"

Президентимиз ҳар гал Наманганга келганларида халқимиз шаънига ғоят таъсирчан гапларни айтиб, кўнглимизни кўтарадилар, ёшларимизга ишонч билдирадилар, шаҳримиз янада обод, файзли бўлиши учун ғамхўрлик кўрсатадилар. Тадбиркор, ишбилармон кишиларни, тажрибали устозларни қўллаб-қувватлаб, ғайратига ғайрат қўшадилар.

Ёшим тўқсондан ошди. Ҳаётнинг яхши-ёмон кунларини кўрдик, хуш-нохуш воқеаларни бошимиздан ўтказдик. 1938 йили педагогика билим юртини тугаллаб, бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. 1942 йили уруш бошланиб, ҳарбий хизматга чақиришди. Шиддатли жангларда қатнашиб, бир неча марта оғир яраландим, ҳарбий госпиталларда даволаниб, яна сафга қайтдим. Будапешт, Вена шаҳарларини босқинчилардан озод қилишда қатнашдим. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар қурбон бўлгани, шаҳарлар, қишлоқлар ёниб, култепага айланганини, қанча-қанча болалар етим қолганини кўзим билан кўрдим. Ҳа, уруш ҳеч кимни, ҳеч нарсани аяб ўтирмайди. Кўп бало-офатлар одамларнинг бошига ёғилади. Қанча меҳнат билан бунёд қилинган иморатлар вайрон бўлади.

Урушдан қайтгач, шаҳримиздаги "Ривожия" артелига кириб, ҳунар ўргандим, шогирдликдан устоз даражасига етдим, болаларимни ҳалол меҳнатим билан боқдим, имон-эътиқодли қилиб тарбияладим.

Бугунги ёшларга бир нарсани такрор-такрор айтишдан чарчамайман: қанчадан-қанча одамлар юртимизнинг озод бўлишини кўролмай, дунёдан ўтиб кетдилар. Шўролар замонида бошимизга кўп кулфатлар тушди, меҳнат қилган одам бир четда қолиб, ҳузурини бошқалар кўришди. Наманганда қўли гул ҳунармандлар кўп, болаларни ёшликдан меҳнатга, касбга, одоб-ахлоққа ўргатиш азалий одатимиз. Қарангки, шўролар қўлидан иш келадиган ҳунарли, уқувли одамларга йўл бермади, тадбиркорлик қилсанг, бошингга ташвиш келадиган бўлди. Махсидўз, этикдўз, тўқувчиларни тергай бошлади.

Шукрки, истиқлол бўлиб, Президентимиз бу тўсиқларни йўлдан олиб ташлади, ким ҳалол меҳнат қилса, даромад топса, савоб ишларга қўл урса, қандини урсин, топгани ўзига, болаларига буюрсин, уй қурсин, тўй қилсин, деди. "Устоз-шогирд" устахоналарини яратиб берди.

"Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак" деган ҳикматнинг маъноси жуда чуқур. Эл-юрт учун хайрли ишлар қилган, боғ яратган, йўл, кўприк қурган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Давлатимиз биз каби нуронийларни қўллаб-қувватлаб, кўп ёрдамлар бериб турибди. "Кексаларни эъзозлаш йили"да уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни яна ҳам кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида махсус дастур тузилгани айни муддао бўлди.

Шукрлар бўлсинки, ҳамма жойда иззат-икромдамиз. "Нуроний" жамғармаси, маҳалла аҳли, ёш "Камолот"чилар бизлардан тез-тез хабар олиб туришади. Кексайиб қолганимга қарамай, ёшлар билан учрашиб тураман, уларга айтмоқчи бўлганим: бундай замоннинг қадрига етинглар, устозларнинг йўлидан бориб, ҳунар ўрганинглар, илм олишда чарчаманглар, ҳалол меҳнат қилинглар, огоҳ бўлиб яшанглар. Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган гапларини унутманглар. Чунки сизлар озод ава обод Ватанимизнинг келажагисизлар.

**Низомхон САТТОРОВ,**
*уруш фахрийси. Наманган вилояти*

## Ҳаёт мактаби

Тарихга теран назар солган инсон ўзи ва ўзгалар учун кўпинча зарур ҳикматларни уқиб олади. Энг аввало, киндик қони тўкилган тупроқ қадрини, ҳаёт давомийлигини, эзгу илму амаллар асрлар оша умрбоқийлигини, инсон эса улар боғининг боғбони эканлигини англаб етади.

Самарқандлик машҳур археолог олим, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мавлон Жўрақулов ҳақида гапирганда беихтиёр шу фикрлар хаёлдан ўтади. Саксон уч баҳорни қарши олаётган домла бутун умрини илму маърифатга бахшида этиб келаётган ва ўз изланишлари, тадқиқотлари билан ўзлигимизни, қадимий юртимиз тарихини бутун бўй-басти билан англаб олишимизга кўмаклашаётган фидойи инсонлардан.

# Илмдан иззат топган инсон



— Юрт тарихини, миллат маданиятини, унинг бунёдкорлик ишларини ҳеч қачон йўқотиб бўлмайди, — дейди бу ҳақда устоз олимнинг ўзи. — У аёзли кунларнинг умри тугаб тупроқдан қайта бош кўтарган майса, чечаклар сингари яна ўз қиёфасини намоён этаверади. Афросиёб тепаликларида йиллар давомида олиб борилган қазилма, тадқиқотлар давомида бу хулосага қайта-қайта ишонч ҳосил қилганман. Жонсиз қалъа, тупроқтепа деб қаралган Афросиёбда ахмонийлар давригача ҳам шаҳарсозлик, шаҳар маданияти гуркираб ривожланган.

Дарвоқе, профессор Мавлон Жўрақуловнинг асосий илмий фаолияти Марказий Осиё ибтидоий даври археологиясини тадқиқ этиш, бу йўналишда муҳим кашфиётлар яратиш, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзишга қаратилган. 750 дан ортиқ долзарб илмий мақола, 20 та ўқув қўлланмаси, 12 та монография ана шу заҳматли изланишлар маҳсули. Зарафшон ҳавзасининг ибтидоий даври тарихига оид илмий ишлари эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлашга имкон берди ва Ўзбекистон илмий жамоатчилиги ўртасида олимнинг чинакам обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлди.

Бу оддий, камсуқум инсоннинг ҳаёт йўлига назар солсангиз, унинг умр дафтарида қайта-қайта ўқишга, ибрат олишга арзигулик саҳифалар кўплигига ишонч ҳосил қиласиз. Асли сўлим Нуротанинг Оқтов ва Қоратов оралиғидаги Боғожот қишлоғида туғилиб ўсган Мавлон ака уруш йиллари машаққатларига қарамасдан, болалигиданоқ билим олишга қизиқди. Бу эса мактабни тугатиб Самарқанд давлат университетида таҳсил олаётган пайтларида анчагина жиддий илмий тадқиқотлар билан шуғулланишига, олим сифатида шаклланишига турткри берди. Мавлон Жўрақулов ўзи ўқиган дорилфунунда оддий ўқитувчи, декан, проректор ва ниҳоят 1987-1993 йиллар давомида ректор лавозимида фаолият юритди. Кўплаб шогирдларининг илмий ишларига бош бўлди. Университетнинг илмий салоҳияти юксалиб, кўплаб олий маълумотли мутахассис кадрлар етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. Олимнинг ўзи ҳам, илмий ишлари ҳам қаримайди деганларидек, у бугун ҳам дорилфунун оқсоқоллар Кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб, қадрдон даргоҳида, шогирдлари даврасида юриб эъзоз-эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. Университетдаги ўқиш-ўқитиш ишларининг самарадорлигини, янги услубий қўлланмаларнинг олий таълимда жорий этилиши, ёш олимлар ўртасидаги соғлом рақобат, изланиш-интилиш, улар меҳнатига адолат меъёрлари асосида баҳо берилиши оқсоқоллар Кенгашининг доимий диққат назоратида. Ахир бугун саккиз минг нафар талаба таҳсил олаётган ва ҳар йили икки ярим минг нафар олий маълумотли мутахассисни етиштириб чиқараётган дорилфунуннинг нуфузи, обрў-эътибори айни шундай жонкуяр инсонларнинг меҳру муҳаббатини, одил фикру маслаҳатларини талаб этади.

Зеро, устозлар ўгити инсон маънавиятини бойитиб, уни ҳар доим комиллик сари ундайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДП электоратининг салмоқли қисмини ташкил этаётган юқори малакали мутахассислар, педагоглар ҳам Мавлон ака каби фидойи, билимдон, тажрибали устозлардан илм-фан сирларини ўрганиб, бугунги кунда юртимиз равнақига астойдил ҳисса қўшмоқдалар.

Устоз мураббий Мавлон Жўрақулов ўз шогирдларига нисбатан одил, айни чоғда талабчан. Шу боис бевосита унинг раҳбарлигида магистрлик ишини ёқлаган 40 нафар шогирди бебаҳо ўгитлари учун бугун устоздан миннатдор. Уларнинг аксарияти археология йўналишида қимматли изланишлар олиб боришмоқда. Улар домланинг Самарқанд шаҳридаги Нуробод кўчасида жойлашган мўъжазгина ҳовлисига тез-тез ташриф буюриб туришади. Зарур маслаҳат, кўмак олишади. Бир йўла устоздан зебу зийнатсиз, ҳашаматларсиз, оддийгина яшаш сирларини ўрганишади.

— Бундай яшашнинг сири қаноатли бўлишда, — дейди устоз уларга. — Бойлик орттирмадим, ҳашамга қизиқмадим. Умрим илм ўрганиш билан ўтди. Фарзандларим, невара-эвараларимни ҳам ўзим сингари тарбияладим. Қизим Дилфуза Жўрақулова илм йўлини танлади, ҳозирда у дорилфунунда олима, археология кафедраси мудири. Неварам Шоҳруҳ Жўрақулов — университетда магистр, Навоий стипендияси соҳиби. Демак, оилам менинг фахрим-ифтихорим!

> Ҳа, профессор Мавлон Жўрақулов илм ила ҳаёт йўлини зийнатга тўлдирган инсонлардан. Саксон уч баҳорни қарши олаётган бу табаррук отахонга илму фан, ёшлар тарбияси йўлида асло ҳориманг, ниятларингиз умрингизга файз-мазмун қўшаверсин, деймиз.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

# Амалий ишлар таҳлили

## фаолликни кучайтиришни тақозо этмоқда

**Пленум**

Партия тизимининг тобора мустаҳкамланиб бориши электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда, сиёсий кучнинг барча даражадаги тузилмаларида қабул қилинган ҳужжатлар самарали ижро этилишининг амалий механизмларини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. "Адолат" СДПнинг янги Ҳаракат дастурини амалиётга татбиқ этиш, жумладан, партиямизнинг қуйи ташкилотлари олдида турган асосий ва долзарб вазифа саналади. Шаҳар ва туман партия кенгашларининг айни кунларда ўтказилаётган навбатдаги пленумларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.



**НАМАНГАН.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг III Пленумида кўрилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар Наманган вилоят партия ташкилотларида ҳам қизғин ўрганилмоқда. Хусусан, партия фаоллари "Адолат" СДПнинг янги Ҳаракат дастурини ўз амалий фаолиятларига изчил татбиқ этишга киришган.

Наманган шаҳар партия кенгашининг навбатдаги Пленумида ҳам ана шу ҳақда фикр юритилди. Унда маъруза билан чиққан шаҳар партия кенгаши раиси Рустам Икромов, "Техностандарттест" МЧЖ қошидаги БПТ раиси Акмалжон Ҳусанов, Наманган шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими услубчиси Мавлуда Шодмонова ва бошқалар партиядошларимиз кейинги даврда эришган бир қатор ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга ҳали фаолиятни замон талаби даражасига кўтариш учун кўп иш қилиш лозимлигини ҳам айтиб ўтдилар.

2014 йилги сайловларда партиямиз вакиллари халқ депутатлари вилоят Кенгашига шаҳар ҳудудидан уч нафар депутат сайланди, халқ депутатлари шаҳар Кенгашида ҳам битта ўрин қўлга киритилди. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам 40-Сардоба сайлов округидан сайланган депутатимиз бор.

Шу билан бирга, ҳали шаҳар ҳудудидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади. Аъзолар сафини кенгайтириш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Бунинг учун эса "Адолат" СДП ғоялари ва дастурларини кенгроқ тарғиб қилиш, шу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириш зарур. Партия Сиёсий Кенгашининг III Пленумида қабул қилинган Ҳаракат дастури ижроси барча партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари, ҳар бир фаолдан ўз вазифасига сидқидилдан ёндашишни, ташкилий-партиявий ишлар даражасини оширишни тақозо этмоқда. Шаҳар партия кенгашининг Пленумида комплекс амалий Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда шаҳар кенгашининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, 2015 йил иш режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир масала ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси мухолиф фракция деб эълон қилинганлиги муносабати билан бу масала янада долзарблик касб этади. Чунки энди нафақат депутатлар, балки кенгашлар ҳамда бошланғич ташкилотлар ва қолаверса, барча аъзоларнинг фаоллигини ошириш, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш даркор. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Аваз Иброҳимов ва бошқа иштирокчилар шу тўғрида фикр юритдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси янги сиёсий мақом олганлиги, ушбу йўналишда партиянинг келгуси фаолиятидаги мақсад ва вазифалари юзасидан тушунтириш ҳамда тарғибот ишлари олиб бориш мақсадида анжуманда ишчи гуруҳи тузишга қарор қилинди.

— Парламентдаги "Адолат" СДП фракциясининг мухолиф фракция деб эълон қилинганлиги кўпчиликда партиямиз фаолиятига қизиқишни оширяпти, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Сирожиддин Жамолов. — Нафақат бошланғич ташкилотларимиз, балки аҳоли қатламлари вакилларидан бу ҳақда саволлар тушмоқда. Бу борадаги тушунтириш ишларини партия ғоя ва дастурлари тарғиботи билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлайман.

Пленум ишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Янгиқўрғон, Уйчи, Чортоқ туман партия кенгашларининг навбатдаги пленумлари ҳам ўз-ўзини танқид, амалий ишларга таҳлилий ёндашув ва қизғин фикрлашув тарзида бўлиб ўтди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"Adolat" мухбири.

**НАВОИЙ.** Кармана туман партия кенгашининг навбатдаги Пленумида ҳам партиямизнинг "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" Сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича комплекс амалий Ҳаракат дастурини туман партия тизимида амалиётга татбиқ этиш ва бу борада ҳудудий ташкилот олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

— Бунда, аввало, тўпланган иш тажрибаларимизни, туман партия кенгаши ҳамда БПТларнинг, айниқса, кейинги йиллардаги фаолиятини чуқур таҳлил этиш ва зарур хулосалар чиқариш, амалиётда ўзини оқлаган иш услубларини ривожлантириш, йўл қўйилган камчиликларни эса бартараф этиш ижобий аҳамият касб этади, — деди туман партия кенгаши раиси Раъно Ризаева. — Ҳозирги кунда вилоятда партия тизими ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз сони деярли икки баробарга кўпайди. Демоқчиманки, дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқариш, белгилаган вазифаларимизни тўла бажариш имкониятига эгамиз. Эндиги гап сиёсий партиялар олдига қўйилган талабларга жавоб берадиган даражада мазкур тизимнинг ишлашини таъминлашимизга боғлиқ.

— Юртимизда қишлоқ инфратузилмасини бутунлай янгилаш, бу масканларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда, — деди халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши депутати, "Камолот" МФЙ раиси Аҳрор Қулмуродов. — Партиямизнинг янги Ҳаракат дастурида ҳам қишлоқ қиёфасини янгилаш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттириш масаласи алоҳида ўрин олган. Бу борада вилоятдаги партия фаоллари, хусусан, тумандаги партия кенгаши фаолиятида муайян амалий тажрибалар тўпланган. "Адолат" СДПнинг янги Ҳаракат дастурида ҳам бу борада Навоий вилоят партия кенгашининг иш тажрибасини ўрганиш хусусида қайд этилгани бежиз эмас. Шулардан келиб чиқиб, депутатларимиз яна бир қатор муҳим таклифларни ишлаб чиқишни режалаштирган. Масалан, туман марказидан чекка ҳудудда жойлашган қишлоқлар орасида йўналишли автобусларнинг режали қатнови, шунингдек, корхона ва ташкилотлар ҳамда таълим муассасалари атрофларини кўкаламзорлаштириш каби масалалар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Анжуманда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Навоий шаҳар, Нурота, Хатирчи туман партия кенгашларининг ишчанлик руҳида ўтказилган пленумларида ҳам қабул қилинган қарорларнинг аниқ ижросида масъуллик ва ҳисобдорликни кучайтиришга эътибор қаратилди.

**Садоқат ШАМСИЕВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби.

"Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги туман, шаҳар кенгашларининг навбатдаги пленумлари ўтказилмоқда.

## Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

# «Ёшлар бунёдкорликни танлайди»

**Эртанги кун эгалари**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан Бухоро нефть ва газ касб-ҳунар коллежида «Ёшлар бунёдкорликни танлайди» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Партия етакчилари, Аҳмад Дониш маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этган мазкур тадбир дунёда экстремистик оқимларнинг ғоявий курашлари, ахборот хуружлари кенг тус олган глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини ёт мафкуралар таъсиридан асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилди. Уни Аҳмад Дониш МФЙ раиси Шоира Миракова бошқарди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Жамилов юртимизда ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш, ёшларимизни мустақил фикрли, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшадиган, Ватани ва халқига содиқ, маънавияти юксак инсон қилиб тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётганини таъкидлади.



— Ёш авлодга бебаҳо маънавий меросимизни чуқур ўргатиш, уларни умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялашнинг катта ҳаётий аҳамияти бор, — деди Бухоро шаҳар партия кенгаши аъзоси Жамшид Бахронов. — Эртанги кун эгалари бўлган навқирон авлоднинг ўткир идрокли, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган, ёрқин мақсадларни ўз олдига қўйиб, шунга қатъий интиладиган ёшлар бўлиши биз — катта ёшдагилар, ота-оналар, устозлар, кенг жамоатчиликнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларига узвий боғлиқдир.

Иштирокчилар диний экстремизм ва терроризмнинг мудҳиш оқибатлари давлатларнинг тараққиёти ва иқтисодиётини ўнлаб йилларга орқага суриб юбориши, жамият ҳаётини издан чиқариши борасида дунёнинг айрим мамлакатларида юз бераётган низолар мисолида сўзлаб беришди.

Тадбир сўнггида йиғилганларга "Адашганлар қисмати" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Бухоро вилояти кенгаши матбуот хизмати

# Нуронийлар қалби қувончда

**Эъзоз**

Қорақалпоғистон Республикасида партиямиз фаоллари эл-юрт тинчлиги учун ҳаётини бағишлаган, умр саҳифаларига фидойилик битилган уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Мазкур тадбирлар доирасида уларнинг соғлиғи, турмуш тарзи, яратилган имкониятлардан кенг фойдаланишларини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

— Ҳукуматимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар учун доимо миннатдормиз, — дейди Хўжайли туманида умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийси, табаррук 90 ёшни қаршилаган Нурулла ота Исаков. — Урушни, очликни ҳам кўрдик, оғир меҳнатлар қилдик, бизнинг ёшлик йилларимиз ҳамма нарса қўл меҳнатида қилинадиган пайтларга тўғри келди. Каналларни қўлда қазиб сув келтирдик.

Энг асосийси, шукроналар бўлсинки, бугунгидек бахтиёр кунларни, мустақилликни кўриш бизга ҳам насиб қилди. Замонамиз ёшлари, фарзандларимиз учун яратилган имкониятлар нақадар бебаҳо эканини чуқур англаб беҳад хурсанд бўламан. Қайси касбни танлаб, нимаики катта орзу-мақсадларни кўзласалар ва ҳаракат қилсалар, албатта, эришадилар, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Нукус туманида яшовчи узоқ йиллар журналистика соҳасида меҳнат қилган нуроний Жубатхан Бегимовнинг ҳам бугунги кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан қалби қувончда.

— Бизнинг юртда одамларимиз тинчликнинг бор маъносини юрак-юракдан тушунадилар, осойишталикни севган элмиз, — дейди Жубатхон ота. — Қўшнисининг соғлиғидан ҳам хабардор бўлиш, ёрдамини аямаслик, бир-бирига доим тинчлик-хотиржамлик тилаш, аҳиллик билан меҳнат қилиш азалий одатимиздир. Бундай халқнинг авлодлари ҳам ана шундай юксак фазилатлар эгасидир.

Партиямизнинг бир гуруҳ фаоллари Жубатхон отанинг хонадонига боришди, устозни байрам билан қутлаб, совғалар беришди.

Уруш ва меҳнат фахрийларига ҳар қанча иззат-икром кўрсатиш, уларни хушнуд этиш доимий вазифамиздир. Шу эзгу мақсадда бундай хайрли тадбирлар Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

**Руаж ОТАРБАЕВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистан Республикаси кенгаши
раисининг биринчи ўринбосари

# Янги ўқув биноси

Истиқлол йилларида ёшларимизнинг замонавий билим олиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Куни кеча пойтахтимизда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва ижтимоий фанлар факультетларининг янги ўқув корпуси фойдаланишга топширилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури доирасида бунёд этилган янги бинода яратилган замонавий шароитлар талабаларга назарий билимларни амалий машғулотлар ёрдамида мустаҳкамлаш имконини беради. Жумладан, бинода журналистика факультетининг теле ва радиостудияси, "Журналист" ўқув газетаси таҳририяти иш бошлади. Бу эса юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Бугунги битирувчи — эртанги мутахассис. Тадбир доирасида битирувчилар учун махсус меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 130 нафардан ортиқ бакалавр ва магистр бўлажак иш берувчилар таклифлари билан танишдилар.

**Бобир ТУНГАТОВ,**
"Adolat" мухбири

# Оила мустаҳкамлиги

## таъминланишига ёрдам берувчи омил

**Мулоҳаза**

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, халқаро миқёсда оила ва никоҳ муносабатлари турли минтақаларда турлича йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда никоҳ шартномасига асосий талаб сифатида никоҳдаги эр ва хотиннинг мулкий муносабатлари намоён бўлмоқда. Ушбу никоҳ шартномаларини тузишда фуқаролик қонунчилиги бўйича умумий шартномаларни расмийлаштиришга қўйилган талаблар амал қилади. Миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда хорижий мамлакатларда тузиладиган никоҳ шартномаларида оилада мулкни ким бошқариши ҳам белгиланиши мумкин. Жумладан, Аргентина, Бразилия ва Испания каби давлатларда мол-мулкни бошқаришда эрнинг роли бирмунча юқоридир.

Европа давлатларининг оила қонунчилигида никоҳ шартномаси масаласининг ўзига хослиги шундаки, унда нафақат мулкий муносабатлар, балки шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам ўзаро келишиб олиниши ҳоллари учрайди. Никоҳ шартномаси шартларини бажармаслик никоҳни бекор қилишга, ҳатто маълум ҳуқуқий жавобгарликка ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда Америкада «никоҳ тузишдан аввалги келишув» кенг тус олган. Унга биноан эр-хотинлар ушбу келишувда исталган масалаларини (шахсий ва мулкий характерга эга) келишиб олишлари мумкин бўлади. Никоҳ тузишдан аввалги келишувга биноан эр-хотинлар болаларнинг тарбиясида иштирок этиб, уларни моддий таъминлаш хусусида, умумий рўзғорни юритиш, шахсий муносабатларни ойдинлаштириб олиш юзасидан ушбу келишувни имзолашлари амалиётда кенг тарқалган.

Ривожланган хорижий давлатларда никоҳ шартномаси ёрдамида биринчи навбатда оиланинг мустаҳкамлиги таъминланса, иккинчи ўринда эса олдиндан мулкий муносабатларда кутилиши мумкин бўлган низоларнинг олди олинади. Шунинг учун Францияда никоҳ шартномаси ҳар ўнта никоҳ расмийлаштириш вақтида учта, АҚШда эса ўнта никоҳ расмийлаштириш вақтида бешта никоҳ шартномаси тузилади.

Айрим хорижий давлатларнинг оила қонунчилигига мувофиқ, никоҳга киришганлик фактининг ўзи эр-хотинлар ўртасида келгусида бўладиган муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Франция қонунчилигига мувофиқ, никоҳни шериклик сифатида тушуниш лозимлиги белгиланади. Мазкур ғоянинг пайдо бўлишини кўпгина муаллифлар хотинларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг мустақил ҳолати ва эр-хотинларнинг тенглигига оид ҳаракатларнинг ривожланиши билан боғлайдилар.

Ушбу ҳолат бўйича никоҳ муносабатига кирган эр-хотинлар шерик ҳисобланадилар. Лекин бунда шерик ҳисобланган эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш қийин.

Айрим давлатларда никоҳ шартномаси шартлари бажарилиши юзасидан судлар фаолият олиб боради. У эр-хотинлар ўртасидаги никоҳ шартномаси шартларига мувофиқ белгилаб қўйилган мол-мулклар бўйича муаммоли вазиятларни ўрганиб чиқади ҳамда ушбу мол-мулк юзасидан келиб чиққан низоли вазиятларга боғлиқ бўлган никоҳ шартномаси билан боғлиқ бўлган ҳужжатни талаб қила олади. Шунга ўхшаш нормалар Чехия, Словакия, Болгарияда ҳам белгиланган. Айни вақтда хорижий мамлакатлар қонунчилигида никоҳ шартномасига мувофиқ етказилган зиёнга ҳам эътибор берилади. Германия Фуқаролик меъёрларида "эр ёки хотин эрнинг ёки хотиннинг олдида, ўзининг айби билан йўл қўйган мажбуриятлари бузилиши натижасида никоҳ шартномасига мувофиқ етказилган зарар учун жавобгардир", дейилади. Японияда муомалага лаёқатсиз эр ёки хотинга васий тайинланишида уларнинг ҳуқуқлари юқори даражада туради. Никоҳ шартномаси шартларига мувофиқ эр ёки хотиндан бирига тайинланган васий эр ёки хотиннинг мулки орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса ёки унинг мулки билан боғлиқ юридик ҳаракатларни амалга ошираётган бўлса, унинг эри ёки хотини шу шартномаларни тузишга рухсат берсагина ҳаракатни амалга ошира олган.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аксарият ғарб давлатлари қонунчилигида никоҳ шартномасида эр-хотинлар бир-бирларига бўлган шахсий муносабатларни, бир-бирларига мадад ва ёрдам беришларини бекор қилмаслиги, фарзандларнинг тарбияси ва таъминотида иштирок этишни тақиқламаслиги лозимлиги белгиланади.

**Дилинур БУРХАНОВА,**
ТДЮУ 2-босқич магистранти

# Боқий анъаналар қудрати бекиёс

**➢ 9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Республика рус миллий маданий маркази ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Жасоратингиз ҳамиша эъзозда" мавзусида байрам тадбири ташкил этилди.



Унда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳар ва туман партия кенгашлари фаоллари, Республика рус миллий маданий маркази вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти қатнашчилари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Ҳар йили юртимизда кенг нишонланадиган улуғ ва қадрли байрам кунларида уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари билан бирга барча нуроний отахону онахонларга ҳам иззат-икром, эҳтиром кўрсатилади. Ватан тинчлиги учун жангоҳларда ҳалок бўлган юртдошларимиз юксак ҳурмат билан хотирланади.

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган жорий йилги Хотира ва қадрлаш куни "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида нишонланаётгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўътабардир, Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган.

Халқимиз Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қилиб, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда.

Фашизмга қарши курашда мардона жанг қилган, оғир машаққат ва мусибатларни бошдан кечирган қаҳрамонлар ва эл-юрт тинчлиги учун жонини фидо қилган инсонлар хотираси ҳамиша ёдимиздадир. Мамлакатимизда фахрийларга доимий ғамхўрлик кўрсатилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2015 йил 6 мартдаги "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" ва 2015 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармонлари бунинг ёрқин далилидир.

Байрам тадбирида сўзга чиққан уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ўша оғир кунларда бошидан ўтказган қийинчиликлари ҳақида сўзлаб, бугунги доришомон кунларга шукроналар айтишди. Уруш йилларида жангоҳга айланган давлатлардан кўчириб келтирилган турли миллат вакилларини, етим-есирларни ўз бағрига олган, меҳр-мурувват кўрсатган ўзбек халқининг эзгу фазилатларини таърифлашга сўз ожизлиги, инсоний қадриятларимизнинг бебаҳо қудрати эътироф этилди. Бугун турли миллат вакиллари ўзаро аҳил-иноқликда яшаб келаётган Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустақилликнинг улуғ неъматлари, имкониятларининг қадрига етиш, тинчлик-осойишталик йўлида доимо ҳушёрлик ва огоҳликни, масъулиятни ҳис этиш ҳар биримизнинг энг муҳим бурчимиз эканлиги таъкидланди.

Байрам тадбирида уруш ва меҳнат фронти фахрийларига Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Республика рус миллий маданий марказининг эсдалик совғалари топширилди.

**Бобир ОТАМУРОДОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

# Бандликни таъминлаш — барқарор ривожланиш асоси

**➢ Матбуот анжумани**

2015 йилда Мақсадли ҳамда янги иш жойларини яратиш дастурларига мувофиқ 987 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган. Улар асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда ишламаётган корхоналарни тиклаш ҳисобига яратилиши белгиланган. Эътиборли жиҳати, жорий йилнинг биринчи чорагида яратилган иш ўринларининг қарийб 62,6 фоизи қишлоқ ҳудудларига тўғри келади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан "Мамлакатимизда аҳоли бандлигини ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг устувор вазифаларидан бири" мавзусига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида юқоридаги натижага эришиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қайд этилганидек, вазирлик томонидан мамлакатимизнинг меҳнат бозорини ривожлантириш ва бошқариш, аҳолининг бандлигини таъминлашда демографик омиллар ва иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг илғор шаклларини жорий этиш бўйича тинимсиз изланилмоқда. Хусусан, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятларини юритишлари учун амалий-ташкилий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш мақсадида www.ziyonet.uz порталида "Ўз бизнесингни ташкил қил" саҳифаси яратилган бўлиб, унда ёшларга бизнесни ташкил қилиш асосларига оид кенг маълумотлар жойлаштирилган. Яъни, ушбу саҳифа орқали хусусий бизнес юритиш ниятида юрган ёшлар қандай қилиб бизнес лойиҳа тузиш, молия муассасаларидан кредит олиш тартиби ҳамда меҳнат қонунчилигида акс эттирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги билимини бойитиши мумкин.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Bussiness-angel" лойиҳасининг жорий этилиши орқали эса жойларда ўз фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйиб улгурган ёшлар билан суҳбатлар, учрашувлар ташкиллаштирилмоқда. Бу каби тарғибот-ташвиқот ишларига қўшимча равишда ҳар бир туман ва шаҳарларда камида 10 тадан жойлаштирилажак ижтимоий баннерлар кутилган самарани бериши кўзда тутилган. Шунингдек, йил давомида жами 1092 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиши ҳамда www.mehnat.uz сайтида тўлиқ автоматлашган ва барча давлат органларидаги бўш иш ўринлари базаси янада мукаммаллаштирилиши белгиланган.

Матбуот анжуманида сўз олган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Абдуҳакимовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда янги ишчи кучини яратишга ҳисса қўшаётган корхона, ташкилотларни муносиб рағбатлантириш механизмлари амалда татбиқ этилган. Хусусан, микрофирма ва кичик корхоналарни ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Тадбирда, шунингдек, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан қатъий тартибда назорат ўрнатилгани қайд этилди. Жумладан, биргина 2015 йилнинг 1-чораги давомида техник инспекторлар томонидан республикамиздаги 900 дан зиёд корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари масалалари юзасидан текширишлар ўтказилган. Текширишлар давомида меҳнат муҳофазаси қонунчилиги ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари бўйича 10500 та камчилик аниқланган.

Анжуманда вазирлик томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам сўз юритилди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

# Депутатлик гуруҳларида аниқ таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқилиши лозим

**➢ Сиёсий ўқув**

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида сиёсий партияларга бўлган эътибор тубдан ошди ва шунга монанд жамиятда уларнинг фаоллашувига талаб ҳам кучайди. Шу билан биргаликда демократик сайловлар асосида шаклланадиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг роли ортиб бораётир. Хусусан, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари кенг кўламдаги ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлинмаси ва Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзуида уюштирилган семинар-тренингда ҳам шулар хусусида сўз юритилди. Депутатлик гуруҳлари аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар, шаҳар, туман партия кенгашлари раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинар-тренингда ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси гуруҳ раҳбари Носир Ҳалимовнинг "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари" мавзуидаги маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, нотиқ "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида" ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларда белгиланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг мақоми, депутатлик ҳуқуқлари, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар вазифалари, уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш тартиби, партия гуруҳларининг доимий комиссиялар билан ўзаро ҳамкорлиги, маҳаллий Кенгаш сессиялари учун масала тайёрлаш, кун тартибига киритиш ва бошқа шу каби масалалар хусусида батафсил сўз юритди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Косон педагогика коллежи директори Мақсуда Мустафоева ўз маърузасида депутатлик гуруҳлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритиб, шу билан бирга, маҳаллий Кенгашдаги депутатларимиз фаолиятидаги камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

— Депутатлик гуруҳларини ташкил этишдан мақсад ҳам партиямиз дастурий ғоялари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, жойлардаги бошқарув органлари олдига долзарб масалаларни қўйиш, юзага келган муаммоларни халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этилишига эришишдан иборат, — деди М.Мустафоева. — Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиб, тегишли баҳо бериш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ таклифлар, ижтимоий лойиҳаларни илгари суришлари лозим. Зеро, улар амалдаги қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия сиёсатини олиб боришнинг асосий ташкилий воситасидир. Депутатларимиз сайловчи олдидаги бурч ва масъулиятларини ҳам унутмасликлари, вазифаларини талаб даражасида бажаришлари шарт.

Иштирокчилар халқ депутатлари Чироқчи туман Кенгаши депутати, туман партия кенгаши раиси Эркин Жумановнинг "Қонунларнинг жойлардаги ижроси устидан депутатлик назоратини ҳамкорликда амалга ошириш тартиблари", Муборак туман партия кенгаши раиси Равшан Ҳамроевнинг "Депутатларнинг ўз сайлов округларидаги ишини тизимли ташкил этиш", вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Рўйиддин Рауповнинг "Партия гуруҳларининг ҳудудий партия ташкилотлари ва БПТлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлашини ташкиллаштириш масалалари" мавзуидаги маърузаларини ҳам диққат билан тингладилар.

Семинар-тренинг давомида депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар ҳам муҳокама қилинди. Баҳс ва ўзаро фикрлашувларда иштирокчилар кўплаб саволларга аниқ жавоб олишди.

— Самимий, очиқ ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинар-тренинг партиямиз фаоллари, айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди халқ депутатлари Китоб туман Кенгаши депутати Ҳаким Олимов. — Депутатларимиз келгуси фаолиятлари учун эътиборталаб жиҳатларни таҳлилий ўрганиб, чуқур назарий билимларга эга бўлишди.

Дарҳақиқат, ҳудудларда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, электорат манфаатини мустаҳкам ҳимоя этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаоллигига ҳамда уларнинг мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликдаги ишларининг самарасига ҳам чамбарчас боғлиқдир.

**Комил САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

**➢ Давра суҳбати**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Экосан" халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида "Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий жараёнлар" мавзусида Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида давра суҳбати бўлиб ўтди.

# ИНТЕРНЕТ-МАДАНИЯТ ёшларни глобал таҳдидлардан асрайди

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш, уларга ахборот олиш ва тарқатиш борасида тушунчалар бериш ва ахборот оламида ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилди.

**Баҳром БУРХАНИТДИНОВ, халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши депутати:**

— Давлат шахснинг информацион-психологик хавфсизлигига, давлат ва жамиятга қарши қаратилган ҳар қандай ташқи ахборот-психологик хуружларга қарши миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар кўради. Бундай чора-тадбирларни ташкил этишга ОАВ, давлат ва жамоат ташкилотлари жалб этилади. Бироқ, бу иш тизимли характерга эга эмаслиги, айрим тадбирлар таъсирчанлигининг камлиги ва юзаки ўтказилиши, маърузаларда мавзунинг моҳияти етарлича очиб берилмаслиги тарғибот ишларини самарали ташкил этишга эътиборни кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада сиёсий партиялардан ҳам фаоллик талаб этилади. Бу каби тадбирлар ёшларимизда нафақат ахборот таҳдидларига қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди, балки уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаб, ижтимоий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Давра суҳбатида истиқлол йилларида кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Конституциямиз ва қатор қонунларда мустаҳкамлангани, жумладан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётий ва долзарб аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Йиғилишда мутахассислар бугунги кунда оммалашган интернет-маданият тушунчасига кенгроқ тўхталиб ўтишди. Қайд этилганидек, интернет-маданият (инг. *Internet culture*) бу — интернет орқали фойдаланувчиларнинг мулоқот, ахборот олиш ва узатиш маданияти. Интернет-маданият (интернет фойдаланувчиларининг кибермаданияти) деганда, шунингдек, ижтимоий онгга салбий таъсир этувчи, жумладан, амалдаги давлат тузумига қарши қаратилган, диний-экстремистик, террористик, порнографик ва бошқа мазмундаги ахборотларни тарқатувчи сайтлардан фойдаланишнинг онгли равишда чекланилиши тушунилади.

Маълумки, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали фойдаланувчиларнинг исталган (текширилмаган) ахборотларни алмашиши ҳамда бир-бирлари билан ўта эркин (фильтрланмаган) тарзда мулоқотда бўлиши айрим муаммоларни келтириб чиқаради.

**Миркарим МИРСОВУРОВ, "Экосан" халқоро жамоат фонди бўлим бошлиғи:**

— Бундай тадбирлар орқали ўқитувчилар, мутахассислар, ёш етакчилар ўз назарий билимларини тизимга солишга кўмаклашадиган тўлақонли маълумотларга эга бўладилар, уларда талабалар ва ўқувчилар билан иш олиб бориш тажрибаси шаклланади. Шунингдек, ёшларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати тўғрисида аниқ бир хулосаларга келиш, уларнинг мамлакатда яратилган ахборот макони ва ахборот инфратузилмалари борасидаги билим, кўникмаларини аниқлаш имкониятини яратади.

Тадбир давомида мавзу юзасидан иштирокчилар томонидан кўплаб таклифлар ўртага ташланиб, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ушбу мавзуга доир ҳамкорликдаги тарғибот тадбирлари Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ҳамда Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ҳам бўлиб ўтди.

**Даврон МАНСУРОВ,**
«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати мутахассиси

# Соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирда партиямиз фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ходимлари, ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, Навоий давлат кончилик институти Олмалиқ шаҳар филиали талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Марафон очилиш маросимида таъкидланганидек, юртимизда болалар спортини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Айниқса, маҳаллаю гузарларга кўрк қўшиб турган замонавий спорт иншоотлари ёшларнинг спорт билан шуғулланиб, чиниқишларида катта қулайлик яратмоқда. Бугунги ўтказилган "Саломатлик" марафонидан мақсад ҳам нафақат ёшларни, балки барча ёшдагиларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, доимо тетик ва бардам бўлиб юришни тарғиб қилишдан иборат бўлди.

— Мамлакат миқёсида оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли турли қатламларини спорт билан шуғулланишга жалб қилиш партиямиз Ҳаракат дастурининг асосий мақсадларидан, — деди Тошкент вилоят партия кенгаши раиси К.Шодиметов. — «Саломатлик» марафонини ўтказиш ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Биргина мисол, яқинда Оққўрғон туманидаги Султонобод ҚФЙда ўтказилган марафон кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, кексалар, хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқиш ва интилишларини янада кучайтиришга улуш қўшди.

Бугун республикамизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланишини назарда тутсак, юртимизда баркамол авлодни вояга етказишда қилинаётган ишлар кўлами қанчалик кенглигини кўз олдингизга келтириш қийин эмас. Албатта, ёш авлод ўртасида спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда партиямиз фаоллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга бел боғлашган.

— Бу каби тадбирлар маҳалла, ўқув муассасаларида янада оммавийлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки спорт аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилишда катта аҳамиятга эга, — деди марафон иштирокчиси, Навоий давлат кончилик институти талабаси Илҳом Темиров. — Мен ҳам бугунги марафонда тенгдошларим билан қатнашиб, спорт ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ўринга эга эканлигига, спорт иродани мустаҳкамлаши билан бирга, кишида қатъият, матонат ва интилувчанлик хислатларини шакллантиришига яна бир бор амин бўлдим.

Марафонда ғолиб чиққан қатнашчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Сарвиноз ҲАМРОЕВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот котиби



## «Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш» корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қутлаб, уларга эзгу тилакларини йўллайди. Мафтункор диёримиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, она Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилайди!**

**Юртимиз тинч, истиқболимиз порлоқ бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган

## Хоразм вилоятидаги «Чинобод» қурилиш корхонаси жамоаси

**барча юртдошларимизни, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан самимий муборакбод этади.**

Инсон қадри улуғланиб, хотираси ёдга олинаётган шу шукуҳли кунларда барчага тинчлик-омонлик, она Ватанимиз тараққиёти йўлидаги улуғвор ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.



Хизматлар лицензияланган




## «Қўқон ёғ-мой» АЖ жамоаси

*юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларимиз ва меҳмонларимизга*

**9 май – Хотира ва қадрлаш куни**

*муносабати билан эзгу тилакларни изҳор этади.*

**Мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин!**

*Барчангизга бахт-саодат, хонадонларингизга фаровонлик ва хотиржамлик тилайди.*

Хизматлар лицензияланган

## «Қувасойтаъмирқурилиш» МЧЖ жамоаси

*9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан республикамиз аҳлини самимий табриклайди.*

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, уларнинг руҳини шод этмоқ бизнинг муқаддас бурчимиздир. Тилагимиз — юртимиз тинч бўлсин! Келажакка ишонч ва яратувчанлик шижоати сиз азизларни асло тарк этмасин!



Хизматлар лицензияланган

## «Фарғонапахтасаноат»

### ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

юртдошларимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан самимий муборакбод этади.

*Барчангизга мустаҳкам соғлик, тинчлик-омонлик, юртимиз тараққиёти йўлидаги улуғвор ишларингизда улкан зафарлар тилайди.*



Хизматлар лицензияланган



## Хоразм вилоятидаги «Фазо» шаҳарсоз қурувчи» МЧЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини, уруш ва меҳнат фахрийларини юртимизда ҳар йили кенг нишонлаб келинаётган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан қутлайди.

**Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин.**

Тобора яшнаб бораётган обод шаҳару қишлоқларимиз мамлакатимиз истиқболининг кўзгусига айлансин. Инсон қадр топаётган шу азиз юртда ҳамма бахтли-саодатли турмуш кечирсин.



Хизматлар лицензияланган



SAG SAMARKAND CARPETS

## «САМАНТЕПГИЛАМ»

### қўшма корхонаси жамоаси

ҳамюртларимизни қутлуғ сана 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қутлайди. Хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, юрт равнақи йўлидаги хайрли ишларида зафарлар тилайди.



«САМАНТЕПГИЛАМ» — УЙИНГИЗГА КЎРКАМЛИК БАҒИШЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган



## «Қўқонавтотеххизмат» МЧЖ жамоаси

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари, нуроний отахон ва онахонларимиз, муҳтарам фахрийларимиз ва барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.



**Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!**

Хизматлар лицензияланган


## "BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ

### барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Жондор туман ҳокимининг 2014 йил 30 апрельдаги 01/665-сонли қарорига асосан Бухоро вилояти М.Таробий кўчаси Истироҳат боғи ҳудудидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи такрорий танлов савдоларига қўйилмоқда:*

**1. Аттракцион қуриш учун 1 дона, 490,0 кв.м. ер участкасининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи.**

***Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 309 867 сўм. Аттракцион қуриш минимал қиймати - 70 000 000 сўм.***

**2. Аттракцион қуриш учун 1 дона, 707,0 кв.м. ер участкасининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи.**

***Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 447 093 сўм. Аттракцион қуриш минимал қиймати - 160 000 000 сўм.***

Талабгорлардан буюртманомалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 09-00 дан 16-00 гача (13-00 дан 14-00 гача тушлик) қабул қилинади ва 2015 йил 09 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг конвертлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 10 июнь куни соат 11.00 да очилади ва ўша куни мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 10 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 17, 24 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 17, 24 июнь кунлари соат 11.00 да очилади ва соат 14.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

*— юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*— жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ташкилотчиси — "BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ.**

**Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй.**
**Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (0365) 221-54-43.**
**электрон почта: www.bgr.gl.uz. Лицензия № RL 0171.**

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган қуйидаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. ДТ Халқ банки Бухоро филиали, ҳ/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377.

# Universalbank

**жамоаси**

**Хотира ва қадрлаш куни**

**9 май**

**муносабати билан барча юртдошларимизни қутлайди.**

**Ўз ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги, бахт-саодати учун қурбон қилган ватандошларимиз хотираси қалбимизда абадий яшайди.**



Хизматлар лицензияланган



# Qishloq Qurilish Bank

**Барча юртдошларимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан қутлаб, уларга миллий ҳамда хорижий валютадаги янги омонат турларини таклиф этади:**

*миллий валютада:*

**"ЖАСОРАТ"** Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.

**"МАТОНАТ"** Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

**"САМАРАЛИ"** Омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

**Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

**"ИМКОНИЯТ"** Омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.

**Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.**

*хорижий валютада:*

**"PERCENT"** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

**"PROFIT"** Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

*Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:*

**"МАДАД"** Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

**"ХОНАДОН"** Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

**"ҚУРИЛИШГА БОШЛАНҒИЧ БАДАЛ"** Муддати - 1 йил.

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*Сизнинг омонатингиз:*

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

*Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93*

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган


Reklama o'rnida


## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

# "Асака" банк

**миллий ва хорижий валюталарда қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

*миллий валютада:*

**"ҚАДРИЯТ"**

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**"БАҲОР"**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**"ФАРОВОН ТУРМУШ"**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

**"ТЕЖАМКОР"**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

*хорижий валютада:*

**"ШОДИЁНА" (АҚШ долларида)**

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**"МАДАД" (АҚШ долларида)**

Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**"СТАБИЛЬНЫЙ-1" (ЕВРОда)**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 дан зиёд омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

*Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.*

| *Филиаллар* | *Код* | *Телефон* |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-06 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

*Сизнинг омонатларингиз:*

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**"Асака" банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган


### Ҳикмат

**Кексаларни этсанг азизу ҳурмат, сени ҳам кексайгач этишар иззат.**

***

**Хотира кишиларга инсонийликни англатиб турувчи ёлқиндир.**

***

**Ёшнинг хизмати қарз, қарияниг ҳурмати фарз.**

***

**Ҳар кексадан бир нақл.**

***

**Кексаларни қадрласанг, қадринг ошар.**


**МУАССИС:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

**Бўлимлар:**
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Котибият — ***288-42-14*** (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими— ***288-42-12*** (146); Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-42-12*** (141) факс; Реклама бўлими — ***233-41-89.***
**Навбатчи муҳаррир** — Рустамжон Аҳмадалиев
**Навбатчи** — Орифжон Ўлмасов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 500. Адади — 11877
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 23.50
*Баҳоси келишилган нархда*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

1 2 3 5 6